

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 12 ноябр, жума № 180 (1813)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


САЙЛОВГА ОИД ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси миллий сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асосларини кенг тарғиб қилиш, сайловларни очик ва ошқорлашга ўтказишни таъминлаш мақсадида жорий йилда йигирмага яқин сиёсий адабиётни нашрдан чиқарди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида» (янги таҳрири), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг ка-

фолатлари тўғрисида»ги қонунлар киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга ўзбек, рус ҳамда инглиз тилида чоп этилди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонун, Марказий сайлов комиссиясининг низоми ва йўриқнома-лари ўзбек ҳамда рус тилларида нашр қилинди.

«Кузатувчи қўлланмаси» («Памятка для наблюдателя») саҳифаларида эса кузатувчиларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, фаолиятини тартибга солувчи сайлов қонунчилигининг



асосий қоидалари берилган. Қўллан-

мада сайловда овоз беришнинг ўтказилиши, сайловчиларнинг овозларини ҳисоблаб чиқиш, овоз бериш якунлари тўғрисида сайлов комиссияларининг баённомаларини тузиш устидан жамоатчилик назоратини қандай ташкил этиш масалалари апрофича ўз аксини топган.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан кўп минг нусхада чоп этилган ушбу китоблар сайловнинг кўп сонли қатнашчиларига - сайловчилар, кузатувчилар, сайлов комиссиялари аъзолари, депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва сайлов қонунчилиги билан қизиқадиган барча ўқувчиларга мўлжалланган.

(ЎЗА)

АЁЛЛАР ВА СИЁСАТ

Хотин-қизлар масаласида ва хотин-қизлар кўмиталаридаги ўринбосарлар институтларининг фаолият кўрсатиш тажрибаси уни келгусида янада ривожлантириш зарурлиги тўғрисида ҳулосалар чиқаришга асос берди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилган Фармонига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа давлат тузилмаларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини, оиладаги, жамият ва давлат қурилиши вазибаларини ҳал этишдаги ўрнини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар танқидий баҳолаб, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва янгиланишлар, ислохотларнинг қўлама даражасига кўтариш чора-тадбирларини кўриш топширилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари - Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг тегишли хотин-қизлар кўмиталари раисларининг вазибаларини тақсимлаш бўйича улар зиммасига юклатилган ваколатлар доирасини жиддий қаратилган ишларни самара-

равишда қайта кўриб чиқиш ва фаолиятига кенг йўл очиб бериш вазифаси қўйилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-хуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўстириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, давлат қурилишида фаол қатнашлари соҳасидаги умумий сиёсатни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш; хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга доир чора-тадбирлар маъмури ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш шaroитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш; жойларда (оила, маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларида) миллий-диний анъаналарни тушунтириш ва уларга риоя этиш, хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйбега чиқариш ва ҳимоя қилиш, бузғунчи қўлларнинг хотин-қизлар оғирга таъсир ўтказиш, уларни экстремистик ва террористик фаолиятга жалб этиш йўлидаги уришиларига қарши қаратилган ишларни самара-

ли ташкил қилиш, хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, бу ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини жамиятнинг модернизациялаш ва демократик янгилаш жараёнида, Ўзбекистонда жамият ва давлат қурилишида хотин-қизларнинг ўрнини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги ишларга йўналтириш - Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятининг энг муҳим вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларидаги тарбиячи-педагог лавозимини ўрнига диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилди.

Хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг ишини ташкил қилиш борасидаги фаолиятини тартибга солиш мақсадида Адлия вазири раислигида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, унинг жойлардаги бўлинмалари билан биргаликда 2004 йилнинг 1 ноябига қадар «Надавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хотин-қизларнинг республика ва минтақавий нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича зарур қўмақ ва ёрдам бериш топширилди.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясига бирлашган касабалар уюшмаларининг III қурултойидан кейинги ўтган мuddатда Жиззах вилоятининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Қатор маданий-маиший, савдо иншоотлари, бозорлар, коллеж ва лицейлар, маҳалла гузарлари, маданият ва истироҳат боғлари, Ёшлар ва маҳалла маркази, «Истиклол» форум мажмуаси, Хотира хиббони, «Сангзоркўл», «Боғишамол» дам

САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА



олиш масканлари барпо этилди. Биргина шу йилнинг ўтган ойларида «Истиклол» болалар боғи, вилоят кўзи ожизлар жамияти негизда «Меҳр ва муруват» шаҳарчаси, педагогика коллежи қурилишлари низоҳиясга етказилмоқда. Барча туманларда янги мактаб, коллеж, қишлоқ-врачлик пунктлари қурилиши амалга оширилди.

Вилоятда 16500 дан зиёд кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг умумий иқтисодий таъсирини кўрсатган улуши йил сайин кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳол, албатта. Вилоят марказидаги «Жиззахпластмасса», «Оҳақ» ҳиссдорлик жамиятлари, ЛРС-Пласт» Ўзбекистон - Германия қўшма корхонаси, Жиззах аккумулятор заводи ҳам барқарор ишлаб турибди. «Жиззах» тамғаси

билан тайёрланган маҳсулотларнинг тури ортиб, сифати яхшиланмоқда. Энг муҳими, хорижга ҳам қўлаб саноат маҳсулотлари экспорт қилинаётди. Жиззах пластмасса қуурлари, аккумуляторлари, ўнлаб турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланиб, қадқоқланиб, хорижга жўнатилаётган.

Иқтисодий ислохотлар шарофати билан вилоятда мулкдорлар синфи шаклланди. Ер тўлиқ фермерларга бўлиб берилганлиги мулкка нисбатан оғалик ҳиссини кучайтирди. Натижада деҳқон-фермер хўжаликлари бой тажриба тўплаб, республикамизда ўз ўрни, мавқеига эга бўлди. Республика Мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан Ватанинг юксак муқофотларига сазовор бўлган ўнлаб Жиззахликларни учра-

Пахтакор туманидаги «Анвар-А» фермер хўжалиги раҳбари Анорбой Эшматов, «Меҳнат шухрати», «Дўстлик» орденлари, «Шухрат» медаллари билан муқофотланган Абдужаббар Хайдаров, Олег Когай, Мухтор Соипов, Қошкар Мосдабеков ва бошқа фермерлар, хусусий тадбиркорларнинг номини фахр ва

ифтихор билан тилга олиб ўтиш ўринлидир. Вилоятда 2001 йилда 4 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатган бўлса, бу йилга келиб улар сони 12 мингдан ошди. Мавжуд ер майдонлари улар ихтиёрига бўлиб берилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фермерлар улуши пахтада 2000 йилда 64 фоиздан 2003 йилда юз фоизга, ғаллада 46 фоиздан 95 фоизга кўтарилди. Оқибатда фермерлар даромади ошиб бормоқда. Бундай ўзгаришлар қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга катта таъсир кўрсата болади. Фермерлар фақат ўз иқтисодий салоҳиятларини яхшилаб қолмай, вилоят иқтисодиёти, маънавияти ва маданияти ривожига ўз улушларини қўшмоқдалар. Дўстлик туманидаги «Олдуз» фермер хўжалиги бошлиғи Юлдуз Холметова олиб бораётган савобли ишлар таъсирини сазовордир. У болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 1 миллион сўм маблағ ўтказиб берди. Ғалла мавсуми давомида шартномадан ортиқча 30 тонна бугдойни ишчиларга, кам таъминланган оилаларга, шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамғармасига тўхфта этди. Шу туманининг «Эшнӣз боб», «Қорасув», «Қангли», «Шодлик», «Шохбоз» каби ўнлаб фермер хўжаликлари бу йил ҳудуддаги мактаб, болалар боғчалари, марказий касалхона, қишлоқ-врачлик пунктлари спорт майдонлари ва ёпиқ спорт залларини таъмирлаш ишларига ҳомийлик кўрсатди.

(Давоми 2-бетда)

Меҳнатқашларга кўнгилдагидек иш ҳамда дам олиш шaroитларини яратиб бериш вазифалардан бириндир. Шу босқинда ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат муҳофазаси ҳақида»ги қонунига халқаро норма талабларига жавоб берадиган бир қатор ўзгаришлар киритилди. Масалан, ўсмирлар ва аёллар меҳнат қилишлари маън этилган мутахассисликлар рўйхати тузиб чиқилди. Касаба уюшма ташкилотлари эса бу муҳим тадбирни тўлақонли амалга оширишда фаол иштирок этишпти. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошланғич касабалар ташкилотлари томонидан жамоатчилик асосида меҳнат муҳофазасини назорат қилувчи комиссиялар тузилмоқда.

Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касабалар уюшма Марказий кўмитаси ва унинг тасарруфидаги ташкилотларда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, иш бериувчилар билан бошланғич касабалар уюшмалари ўртасида тузилаётган жамоа шартномаларига меҳнат муҳофазаси бўйича махсус банд киритилиб унинг бажарилиши икки томонлама назоратга олинган. Меҳнат ва йўл харакати хавфсизлиги бўйича назоратни фаоллаштириш мақсадида мазкур вазифа билан боғлиқ бўлган қонун, қарорлар, низоми-лар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар тармоқдаги барча бошланғич ташкилотларга етказилган.

ИШ ШAROИТИДАН КўНГИЛ ТўЛАЯПТИМИ?

кўнгилдагидек ишлар амалга оширилмоқда. Лекин бахтга қарши айрим жойларда меҳнат муҳофазасига кўнгилдагидек муносабатда бўлинмаганиги натижасида бахтсиз ҳодисалар учраб турибди. Масалан, Ховос автомобиль йўллар бошқармаси ишчиси Р. Норқўзиев трактор тиркама-сидан юк тушириш вақтида йиқилиб жароҳат олган. Унинг соғлиги-га етказилган зарар учун корхона томонидан 680 минг сўм товон пули тўланди. «Фаргонаавтойўли» бирлаш-масининг Кўкон асфалт бетон заводи ишчиси Р. Қўзиев кечаси тош майдалагич механизмида ишлаётган вақтида техника хавфсизлигига риоя этмаганлиги натижасида оғир тан жароҳати олди. Унинг оиласига ҳам каттагина миқдорда товон пули

салар нима сабабдан рўй бермоқда? Фақатгина мазкур тармоқда эмас, умуман бундай ҳодисаларни келтириб чиқараётган омиллар талайгина. Улардан энг асосийларидан бири - техника хавфсизлиги ҳамда меҳнат шaroитини яхшилаш баъзи жойларда иккинчи даражали ишга айланган қолган. Хўжалик раҳбарлари ҳамда мутахассислар бу тадбирга панжа орасидан қарамоқда. Яна бир сабаби, айрим корхона-лардаги машина-механизмлар соҳна-ларда даражада эскирган. Баъзи жойларда ёритиш, иситиш, венти-ляция тизимлари талабга жавоб бер-майди. Шахсий ҳимоя воситалари етарли эмас. Айрим раҳбарлар энг осон йўлни танаб олган. Улар соғлом иш шaroити яратиш, техно-логик жараёнларни такомиллашти-

«ШОДИЯ» ШОДЛИК УЛАШМОҚДА

Тадбиркор Шахло Мergenova раҳбарлигидаги «Шодия» фирмаси қурувчиларининг вилоятда қад ростилаётган кўплаб биноларга меҳнат сингмоқда. Жумладан, улар Нурота туманининг «Сентоб» қишлоғида беш минг кишига хизмат кўрсатадиган врачлик пунктини қуриб битказди.

Ўқувчилар Беллашуви

«Умид» спорт мажмуида Мирзо Улугбек тумани мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида баскетбол бўйича турнир якунланди. Умумжамоа ҳисобида 171-мактаб вакиллари қизлар ўртасида ўтказилган беллашуварда барча рақибларини ортада қолдирди. Ўғил болалар баҳсида эса 112-мактаб ўқувчиларига тенг келадиган топилмади.

(ЎЗА)

Нуқтаи назар

тўланди. «Сирдарётранс» уюшмасининг 45-автокорхона таъмирловчиси Н. Тихонов ҳам гилдирак шиначи-сига дам бериш вақтида оғир тан жароҳати олган. Унга ҳам товон пули берилди.

Шу ўринда ҳақли бир савол ту-ғилади. Мана шундай бахтсиз ҳоди-

риш ўрнига зарарли иш шaroитида меҳнат қилаётганларга устам ҳақ тўлашни афзал кўришмоқда.

Оқорида биз санаб ўтган жароҳатланган болаларга тўланган товон пуллари меҳнат муҳофазасини яхшилашга сарфланса бўлмасми? Мана шундай йўл тутилган тақдир-да кўпгина муаммолар ўз ечимини топади. Лекин буни акси ўлароқ айрим раҳбарлар меҳнат муҳофазаси учун сарфланадиган маблағни тежашга уринишмоқда.

Фермер хўжаликларида ишлаётганларнинг меҳнатларини муҳофаза-лаш ҳам жиддий вазифалардан. Чунки мазкур соҳада ишловчилар-нинг айримлари нафақат ўзларининг, балки фарзандларининг соғ-лигига ҳам бефарқ қарамоқда. Но-ғиронлар меҳнат қилаётган айрим корхоналарда уларнинг чегаралан-ган жисмоний имкониятлари ҳисоб-га олинмаётти.

Мулк давлат тасарруфидан чиқарилаётгани тўғрисида мамлакатимиз-да кўплаб ҳусусий ва кичик корхо-налар фаолият кўрсатмоқда. Улар-нинг баъзилари эски биноларда, та-лабга жавоб бермайдиган жиҳозлар-да ишлаяпти. Мана шу ўринда ка-саба уюшма органлари томонидан қатъийлик кўрсатилиб, бошланғич ташкилотлар эса ўзларининг бор ҳуқуқ ва имкониятини ишга солиш-лари зарур.

Незмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» муҳбири

Шарҳловчи минбари

ЁСИР АРАФОТ ВАФОТ ЭТДИ

шиб, миёсига қон қуйилган. Ёсир Арафот 1929 йилда туғилган эди. Унинг тўлиқ исми - Мухаммад Абдурауф Арафот ал-Қудвах ал-Хусай-ний. Ёсир исмини у кейин ол-ган.

Ёсир Арафот билан рас-мий видеоланув маросими Мисрда бўлиб ўтди. Жума куни Миср ҳарбий вертолети Е.Арафотнинг жа-садини Рамаллоҳда етказди. Мархум Рамаллоҳдаги «Муқаттаъ» қароргоҳига дафн этилади.

(ЎЗА)

Фаластин муқторияти хал-қи оғир жудодликка учради. Рамаллоҳдаги қароргоҳда муқторият байроғи тушириб қўйилган. Давлат идоралари ва ўқув юртларида иш тўхта-ган.

Пайшанба куни эрталаб Фаластин муқторияти раҳба-ри Ёсир Арафот 75 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Шу му-носабат билан муқториятда 40 кунлик мотам эълон қилинди.

Ёсир Арафот 29 октябрда соғлиги ёмонлашгани ту-файли Франциядаги Перси харбий госпиталига ётқизил-ган эди. Хабарларга кўра, 4 ноябр куни эрталаб Ёсир Арафот оғир бехушлик ҳо-латига тушган ва шундан кей-ин ўзига келмаган. 9 ноябр куни аҳоли янада оғирла-

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

Жиззах

САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

(Боши 1-бетда)

Мирзақул туманидаги «Галаба» фермер хўжалиги россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда бир кеча-кундузда 50 тонна ун ишлаб чиқарадиган корхона қуриб, 70 кишини иш билан таъминлади.

Бугунги кунда касабани уюшмаси аҳоли кенг қатламлари меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий манфаатларининг ишончли химоячисига айланиб улгурди. Ҳисобот мобайнида бошланғич ташкилотлар иш услубини такомиллаштириш, ташкилотчилик фаолиятини кучайтириш соҳасида аниқ дастурлар асосида иш олиб борилди.

ришни тақозо этмоқда. Бугунги кунда 711 та касабани уюшма кўмиталари, 174 та касабани уюшма ташкилотчилари фаолият кўрсатмоқда. Видан 217 нафарини аёллар,

ислари фаолият олиб боришмоқда. 885 нафар касабани уюшма кўмиталари раислари, ташкилотчилари бўлиб, шундан 217 нафарини аёллар,



171 нафарини 30 ёшга кўнрақ бўлмаган ходимлар ташкил этиди.

Вилоят электр тармоқлари идораси касабани уюшма кўмитаси раиси Илхом Уринов, «Жиззахавтйўл» йўл қурилиш ҳудудий шўба ташкилотчи касабани уюшма кўмитаси раиси Бектемир Худойбердиев ва бошқа ўнлаб касабани уюшма кўмиталари раисларининг олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир.

Ҳозирги пайтда вилоятда 885 та бошланғич касабани уюшма ташкилотчи бўлиб, улар ўз атрофида 245,704 нафар аъзони бирлаштирган. 2000 йилга таққослаганда, касабани уюшма аъзолари сони 10,207 нафарга кўпайган. Бирок бошланғич касабани уюшма ташкилотлари сони 2000 йилга нисбатан 995 тага камайган. Чунки корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг бирлашиши ва базиларининг қисқариши касабани уюшма ташкилотларини йириклашти-

Шунингдек, 21 та туман, шаҳар касабани уюшма кўмиталари (кенгаш)лари, 22 та туман, шаҳар касабани уюшма тармоқ вакилликлари, 12 та тармоқ касабани уюшма туман раислар кенгаши мавжуд. 24 нафар асосий ишдан овоз этилган касабани уюшма кўмиталари ра-

ислари фаолият олиб боришмоқда. 885 нафар касабани уюшма кўмиталари раислари, ташкилотчилари бўлиб, шундан 217 нафарини аёллар,

Касабани уюшма аъзолари жамоанинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Улар иқтисодийни оқсатириш, иш шариотини яхшилаш, аъзолар сафини кенгайтириш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Маъмурият ва касабани уюшма ўртасида яхши алоқа ўрнатилган.

Бошланғич ташкилот жангаворлигини оширмай туриб, касабани уюшмалари ўз мақсадида эришиши кийин кечади. Шунинг учун ҳам ҳисобот-саноатларни пухта ҳозирлик кўрган ҳолда, талабчанлик ва ушқоқлик руҳида ўтишига эътиборни кучайтирганимиз. Бугунги кунда касабани уюшмаларининг ўрни катта бўлиб бормоқда. Касабани уюшма ўн нафар аъзога эга бўла боладилар. Бунда касабани уюшма вилоят кенгаши ўқув-соғломлаштириш Марказининг ўрни катта бўлаётган. Жойларда одамларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, иш беришнинг масъулиятини кучайтириш борасида семинар-тренинг машғулотлари олиб боришмоқда.

Нусратулла ПАРДАЕВ,
Жиззах вилоят касабани уюшмалари Кенгаши раиси

Яхши ишлаб, яхши яшайтганлар

«Жиззахавтйўл» йўл қурилиш ҳудудий шўба ташкилоти учун 1999 - 2004 йиллар ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўсиб-ўлғайиш даври бўлди, десам муболага бўлмайди. Бозор иқтисодиёти шариотида жамоа аъзолари имтиёзларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни оқсатириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, даромадга даромад қўшиш ишчи-хизматчилар манфаатини ошириш йўлида талай ишлар қилинди. 1999 йилда ўртача иш ҳақи 12 минг 601 сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 52 минг 250 сўмга етказилди. Ташкилотда 1078 нафар касабани уюшма аъзоси бор. Шунинг 113 нафарини хотин-қизлар ташкил этиди. Улар 17 та цех касабани уюшма ташкилотига уюшган.



КОРХОНА ЛИМОНАРИЙСИ ишчи-хизматчилар дастурхонини безамокда

Маълумки, юртбошимиз ташаббуси билан 1999 - 2004 йиллар «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қаришларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили» ва «Меҳр ва муруват йили», деб эълон қилинди. Бу борада Давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Дастур асосида жойларда кенг миқёсда ишлар амалга оширилди. Буларнинг барчаси инсон манфаатида хизмат қилмоқда.



Биргина шу йилнинг ўтган ойларидан 7 миллион 132,3 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 22 миллион 321,5 минг сўмлик оғзақ вақт пули, 23 миллион 278,1 минг сўмлик йўл пули ажратилди ҳамда мавсумий иш пайтида корхона ҳисобидан 7 миллион 128,6 минг сўмлик бепул иссиқ оғзақ ташкил қилинди. Ташкилот қошида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Унда 10 киши доимий иш билан таъминланган. 44 бош майда шохли моллар, 7 бош қора моллар бўлиб, шу йилнинг ўзидан 107 килограмм гўшт ишчи-хизматчиларга бепул тарқатилди. 384 метр квадрат майдонда иссиқхона бўлиб, унда лимон парварош қилинмоқда. Ҳар йили 400-450 килограмм лимон этиштирилмоқда.

«Ём» қишлоғида жойлашган Қарияр уйда 3 миллион 308 минг сўмлик ободлаштириш ишлари амалга оширилди.

Яхши дам - меҳнат ҳамдам. Жамоамизда ҳар бир ишчи-хизматчининг дам олиши ва саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор қаратилапти. Ишчи-хизматчилардан 15 киши республикамиз сийхатхоналарида дам олдирилди. Бу мақсадлар учун 2 миллион 262 минг сўмлик маблағ ажратилди. Уларнинг даволанишлари учун тиббиёт масканларида 305 минг сўмлик маблағ ўтказилди.

Жамоа шартномасига биноян меҳнат муҳофазаси учун биргина 2004 йилда 5 миллион 978,7 минг сўм ажратилди. Бу маблағлар ишчи-хизматчиларни бепул сутқатиш, иш кийими билан таъминлаш шунингдек, уларни тиббий қўриқдан ўтишлари учун сарфланмоқда. Маънавий ва маърифат хоналари, фаоллар зали ташкил этилди. Ташкилот маъмурий биноси ҳовлисида дам олиш маскани қуриб, ишга туширилди. Шўба ташкилотга қарашли вилоят ободлаштириш маъмурияти чекланган жамият биноси тўлиқ таъмирланди. Бўстон автомобил йўллардан фойдаланиш бошқармаси маъмурий биноси капитал таъмирдан чиқарилди.

Бектемир ХУДОЙБЕРДИЕВ,
корхона касабани уюшма кўмитаси раиси

Ёшлар - юрт келажаси

Бугун нима қилинаётган бўлса, ҳаммаси эртанги кунни ўйлаб амалга оширилмоқда. Чунки мамлакатимизни ҳар жиҳатдан раванқ топтириш, уни жаҳондаги етакчи давлатлар қаторига олиб чиқиш, авваламбор, кадрлар билими ва салоҳиятига боғлиқ. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ушбу масалага бирламчи вазифалардан бири сифатида қараётгани ва бу йўналишда зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб беришда бош-қош бўлаётгани ҳам бежиз эмас.

Мустиқилликдан кейинги ўтган қисқа фурсатда жуда кўплаб лицей ва коллежлар барпо этилди, умумтаълимга бўлган эътибор кучайтирилди. Япония, Германия ва Буюк Британия каби ривожланган мамлакатларнинг ўз грантлари билан иштирок этиш хоҳишини айнан ана шу изчиллик эътирофи дейиш мумкин.

Тармоқ касабани уюшма вилоят кўмитаси таркибидан бугунги кунда 50526 нафар аъзо бўлиб, 14 та ҳудудий келишув, 172 та жамоа шартномаси орқали уларнинг ҳуқуқий манфаатлари химояланмоқда.

Ходимларимизнинг фарзандлари соғлиқларини тиклашга ҳам алоҳида эътибор қаратилапти. Хусусан, 2004 йил ёзида тармоққа қарашли Ш. Рашидов ва Бобур номли оромгоҳларда 600 дан зиёд ўғил-қиз дам олдирилди. Мавсум чоғида ўқувчиларнинг қизиқиши назарда тутилиб, турли тўғараклар мунтазам фаолият кўрсатишига эришилди. Дикқатга сазовор жойларга экскурсиялар уюштирилди. Хуллас, нафақат жисмонан, шу билан бирга маънан камолот шўқилларини эгаллашлари учун ўзига хос пиллаоялардан ўтиш кўникмаси ҳосил қилиниши йўлида талай ишлар амалга оширилди.

БИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАНОТЛАРИМИЗ

Соҳа ходимларининг ҳуқуқий манфаатларини химоя қилиш доимий эътиборда эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ноҳақ инсон бўшатишдан Жиззах туманидаги Б. Ҳошимов номи 35-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси С. Урозова, Жиззах Олимпия заҳиралари коллежи иш юритувчиси Нигора Жўраева, фаррош Ойдин Мирзаевлар вилоят касабани уюшма кўмитасининг араслашуви билан ўз вазифаларига тикланди.

Бундай кўнгилсиз ҳолатлар иложи борича бўлмаслиги учун меҳнат қонунчилиги, ходимларга яратилаётган иш шариотлари каби долзарб масалалар раёбат йиғилишларида кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинмоқда. Улар алоҳида назоратда олиниб, ижроси таъминланмоқда. Ҳозиргина Жиззах шаҳри, Дўстлик, Зомин, Жиззах, Пахтакор, Зарбдор, Галлаорол, Мирзақул туман халқ таълим бўлимларида ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини химоя қилиш борасидаги аҳвол ўрганилиб, вилоят касабани уюшма кўмитаси раёбатида муҳожама этилди. Зомин туманида меҳнат қонунчилигига риоя этиш борасида ўқув семинари ўтказилди.

Педагог ходимларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг яшаш, ишлаш ва ўз устарида амин-эркин шугулланишлари учун шарт-шароит яратиш борасида қўриланган тадбирлар натижасида тармоқ касабани уюшма аъзолари сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Уларнинг сони сўнгги йил ичидан 1282 нафарга ўсди.

Педагогларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бунди ўз қўли билан қўриб турган ёш авлод кўнглида ҳам ушбу соҳага меҳр уйғотиши табиий. Қолаверса, бунди уларнинг ўзи ҳам бевосита ҳис этмоқда. Меҳр ва муруват йили муносабати билан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабани уюшма Марказий Кўмитасининг 2004 йил 21 сентябрдаги қарорига асосан Жиззах давлат педагогика институтини 2-босқич талабаси Гулнор Курбонова ва Жиззах политехника институтини 3-босқич талабаси Комила Қосимова, вилоят касабани уюшма кўмитасининг 2004 йил 28 сентябрдаги қарорига биноян Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи 2-босқич талабаси Азиз Эшмирозов ва Жиззах педагогика коллежи 2-босқич талабаси Барно Акбаева бизнинг стипендиатларимизга айлиндиши.

Бундай истеъдод эгалари вилоятимизнинг ҳар бир бурчада бор. Шу йил ўтказилган республика фанлар олимпиадасида Галлаорол туманидаги 2-иктидорли болалар мактаби 11-синф ўқувчиси Ақром Қорабоев немис тили бўйича иккинчи ўринни, Жиззах шаҳридаги «Сайилбой» академик лицейи ўқувчиси Илхом Балибеков ҳуқуқшунослик бўйича 3-ўринни, Форш туманидаги 78-мактабнинг ўқувчиси Кахрамон Хусанов тарих фани бўйича 3-ўринни эгалладилар.

Яна бир гап. 2003 - 2004 ўқув йилида 11-синфни 11235 нафар ўқувчи битирган бўлиб, шулардан 785 нафари бугунги кунда олий ўқув юртиларида таҳсил олмақда.

Иллар ўтади. Бугун синфхоналар ва аудиторияларда ўтириб, билим ва савияларини чанқоқлик билан тўлдирётган ёшлар ҳадемай оёққа туриб, дунё ҳамжамиятида ўз нуқсонини ўрни бўлишига азму қарор қилган Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши учун хизмат қилишади. Уларга керагича шарт-шароит яратиб бериш эса, биз катталар учун шарафли ишдир.

ЯКУБ РУСТАМОВ,
вилоят таълим ва фан ходимлари касабани уюшма кўмитаси раиси

Фаолларимиз ҳикоя қилади

Шпоримиз оддий ва бағоят пурмаъно: «Инсонга наф келтириш - олий бахт». Ана шу қимматга риоя қилиб фаолият юритаётган касабани уюшма етакчилари Жиззах вилоятида ҳам талайгина. Ҳар жабҳада ташаббус кўрсатиб, меҳнаткашларни ўз ортидан эргаштириб, катта-катта ютуқларга эришаётган бу инсонларнинг жамият ҳаётида тулган ўрни ҳақида ҳар қанча илиқ фикрларни билдирсак оз.

ОМИЛКОР ЕТАКЧИ ҲАР ҚАНДАЙ ЧИГАЛГА ЕЧИМ ТОПАДИ



Илхом Уринов вилоят электр тармоқлари корхонасида 1989 йилдан бери ишлаб келмоқда. Маълумоти олий, мутахассислиги - иқтисодиёт. Касабани уюшмалари вилоят Кенгаши раёбати аъзоси.

Шу йил 22 октябрда бўлиб ўтган ҳисобот-саноат й. Уриновнинг жамоа ўртасида қанчалар обрў-эътиборга эга эканлигини аниқ бир қарра синовдан ўтказди. У бир овоздан корхона касабани уюшма кўмитаси раиси лавозимига сайланди.

Айни кунларда 11та цех кўмитаси, 11 та гуруҳ таъкидотчи касабани уюшма кўмитаси раиси бўлиб қўйилган ишларга қўмақдош. Уларнинг бир ёқадан бош чиқариб, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқлари йўлида саъй-ҳаракат қилаётганликлари ўз самарасини бермоқда. Ишчи-хизматчилар ҳам ҳар томонлама ижтимоий-химоя билан қўриб олинган. Мўҳими, раёбат бўладими, ёрдам бўладими, бамаслаҳат ва чуқур таҳлил натижасига қўра бир қарорга келган ҳолда амалга оширилади.

Шундай илиқ сўзлари Жиззах пластмасса заводи касабани уюшма кўмитаси раиси Аҳорр Ҳасанова нисбатан ҳам бемаълал айтиш мумкин. 1200 аъзо-

нинг қўнглига йўл топишини ўзи бўлмайди. Яхши тўй, ёмон ўлим бор деганларидек, ҳар бир ходимнинг ўзига яраша қувончи ва ўй-таъшиви бор. Касабани уюшмаларининг бево-сита вазифаси эса уларнинг ёнида бўлиш, баҳоли қудрат қўмақ беришдан иборат.

Бундай етакчилар истаганга топилади. Аммо гуруҳ ичидан қўрмак ҳам учраб турганидек, ўзига билдирилган ишончнинг оқламаётган ва энг ёмони, бунга интиламётган, юмшроқроқ қилиб айтганда, корхона ёки ташкилот раҳбарининг отган ўқиға айлиниб қолган қўлтир-ноқ ичиданги етакчилар ҳам йўқ эмас. Айнан уларнинг фалосиф-лиги ва меҳнаткаш даражидан даромад бўлмаётганлиги боис аҳён-аҳёнда жабрдийда касабани уюшма аъзолари адолат истаб турли идоралар эшигини тақиллатиб боришга мажбур бўлмоқда.

Касабани уюшма аъзоси Х. Бекмуродов вилоят «Ободлаштириш» ҳиссадорлик жамиятида бийойиқда ишлаб келатганида бийойиқда ишлаб келатганида. Нима бўлди-ю, ҳеч бир оғохлатиришсиз ишдан бўшатил ҳақидаги бўйруқини унинг қўлига тутқаздиши. Нега, қайси айбим учун, деган саволларга жавоб ололмаган Х. Бекмуродов ўз химоя-

чиси - вилоят касабани уюшмалари кўмитасига мурожаат қилди. Зудлик билан ушбу масала бўйича комиссия ташкил этилди. Кўп ўтмай адолат қарор топди. У ўз ишига тикланди.

Жиззах педагогика коллежи ўқитувчиси Икром Тўраев ҳам ўзига нисбатан ноҳақликдан шикоят қилиб, вилоят касабани уюшмалари кўмитасидан мадад сўраб келди. Ҳар томонлама таҳлил чиндан ҳам у ноқонуний равишда ишдан четлатилганини тасдиқлади. И. Тўраев ушбу аралашувдан сўнг ўз севган касбига қайтди.

Бундай мисолларни яна ва яна келтириш мумкин. Жиззах туманлараро фуқаролик судида 2003 йил 25 августда «Жиззах - ЛРС - Пласт» қўша корхонаси транспорт мутахассисини Холиқул Примқуловнинг мурожаати бўйича иш қўриб чиқилди ва суд қарори билан у ўз вазифасига тикланди. 1 йиллик мажбурий бекор юрган вақти учун 551.629 сўм иш ҳақи, 200.000 сўм маънавий зарар ундириб олинди.

Айнан шу фуқаролик судида шунга ўхшаш яна бир иш аризагининг фойдасига ҳал бўлди. Суд қарори билан «Жиззахтранс» уюшмасига қарашли 2517 - автожамланма 1-автосаф лавозимига ишлаган Фаффор Аллаёров ишга тикланди, мажбурий бекор юрган даври учун 106.138 сўм иш ҳақи ундирилди.

Шундай ҳол ўз бермаслиги, можааро ҳал эслашувига етиб бормаслиги мумкинми? Албатта, мумкин эди. Бунинг учун корхона ёки ташкилот касабани уюшма етакчиси ўз вақтида қатъиятлик кўрсатиб, ўз аъзосини химоя қила олма қиёфа эди.

А. МАМАДАЛИЕВ,
ишчи

мурият ва касабани уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар ибрат қилиб қўрсатилиб, уларнинг таърибасини жойларда қўллаш тақлифи илгари сур-илди.


Хавфсизлик борасидаги асосий ишлар бу соҳани текширувчи ва назорат қилувчи вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоялаш бош бoshқармаси, «Узсаноттехника» Жиззах бўлимида ҳамда туман прокуратураси ходимлари билан биргаликда амалга оширилиши натижасида қатор муаммолар ўз ечимини топди.

Енгинини ўчиргандан қўра унинг олдини олган яхшироқ, деган гап юрди эл орасида. Дарҳақиқат, шундай. Агар даражам қаровсиз қолдирилмаса, машина тормози яхшилаб

Касабани уюшма спорти

ЧЕМПИОНЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Соғлом авлодни тарбиялаш - буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуришдир. Биз тарихан қисқа фурсат ичидан бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борадаги мақсад ва бурчимизни ҳам яхши ағлаб етдик. Дарҳақиқат, мамлакатимизга жисмонан соғлом, бақув-қилиб чарнамайдиган йилги-қизлар керек.



Сўнгги йилларда вилоятда соғломлаштириш маркази, Олимпия заҳиралари спорт коллежи, ўнлаб спорт заллари ва болалар спорт мажмуалари қуриб, фойдаланишига топширилди. Вилоят касабани уюшмалари кенгашига қарашли жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг ташкил этилиши ҳам мустақиллик шарофатидандир. Жамият қошида 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Биринчи мактабда ёпиқ теннис, олмон модели асосида қурилган сузиш ҳавзаси мавжуд бўлиб, айни пайтда уларда мингдан зиёд ёшлар шугулланишапти. Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидига барча таълим муассасалари ўқувчилари, алоқа бошқармаси ва аккумулятор заводи ёшлари спортнинг бу турлари билан мунтазам шугулланиб, соғлиқларини тиклашмоқда. Хотин-қизлар учун ҳафтаининг икки кун алоҳида дастур асосида ажратилган. 10 нафар ногирон, таянч ҳаракатида нуқсонли бўлган болалар бевосита менинг мураббийлигимда сузиш билан машғул бўладилар. Машғулот натижасида айрим ногирон болалар соғайиб кетишди. Умида Хотамова, Комила Аюпова каби таянч ҳаракатида нуқсонли болаларимиз республика соғлом болалар ўртасида сузиш бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда қатнашиб, ҳаммасини ҳайратта солиб ҳатто чемпион бўлишди.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинларида ҳам жамоамиз аъзолари фаол иштирок этмоқдалар. Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақасида Темир Бобоқулов 50 метрга брасс

устида сузиш бўйича 3 — ўринни эгаллаб, бронза медали соҳиби бўлди. Самарқандда ўтказилган «Универсиада» - 2004-да Фотима Тоштовата 200 метрга чалканга сузиш бўйича гўлиб деб топилди, олтин медалини қўлга киритди. Тошкентда ўтказилган халқаро миши теннис мусобақаси бўйича болалар ўртасида Нияра Абдували қизи фахрли биринчи ўринни соҳиби бўлди.

Жамиятимиз тасарруфидига 2-мактабда миллий кураш, самбо, эркин кураш, енгил атлетика, футбол бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Бокс бўйича мураббий Виссарий Хан Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги байрами арафасида «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. У бокс бўйича Жаҳон чемпионни Жиззахлик Лазиз Зокировнинг биринчи мураббийи.

Ушбу мактабда 380 нафар болалар спортнинг қўллаб турлари билан шугулланишади. Эркин кураш бўйича Ўзбекистон тарма жамоаси аъзоси, республика чемпиони Ҳаёт Сайдуллоев, Осиё чемпиони Олимжон Рашидов, жаҳон чемпиони Илхом Тақтамонов бизнинг ўқувчиларимиздир. Улар билан жақли равишда фарҳланмиш. Самарқандда ўтказилган «Универсиада» - 2004- спорт ўйинларида яна бир ўқувчимиз Лазиз Болтаев 400 метрга тўсқар оша югуриш бўйича олтин медал соҳибига айланди.

Ҳозирда 12 тур бўйича малакали мураббийлар ёрдамида спорт-соғломлаштириш мажмуаларида машғулотлар ўтказилмоқда. Айни пайтда 750 нафар Жиззахлик ёшлар мураббийлар қўшада спорт билан мунтазам шугулланишмоқда. Маълумки, Юртбошимиз қўшада жойларда болалар спортини янада ривожлантириш масаласини долзарб вазифа қилиб қўйдилар. Бу талабга бизнинг жамоамиз ҳам «лаббай» дея жавоб бермоқда. Галерий Цой, Отабек Музафаров, Шуҳрат Йўлдошев каби мураббийлар меҳнати самарасиз кетмапти. Мактабимиздан ҳар йили чемпионлар етишиб чиқмоқда.

Мухиддин ПАРДАШОВ,
сузиш бўйича мураббий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси

Меҳнат муҳофазаси

Ва жабранувчилар фойдасига 5 миллион сўмдан ортиқ маблағни тўлатиб беришга эришилди.

Хусусан, Ўзбекистон-Америка қўшама корхонаси «УЗЭКАЙД» ишчиси Азамат Исмоиловага 351991 сўм, вилоят таълим таъминотчи корхонаси таъминотчиси Кахрамон Эштаевга 827558 сўм, Пахтакор туманидаги А.Икромов номи пахта тозалаш корхонаси ишчиси Малика Яркуловага 175742 сўм, Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 17-«Пахтаой» болалар бoғчаси тарбиячиси Лобар Турдиевага 110616 сўм маблағ ундириб берилди.

Товон пулларини ундириш юзасидан икки иш Жиззах туманлараро фуқаролик судига қўйилди, ҳар икки ҳолда ҳам иш жарбланувчилар — Зарбдор тумани ҳукуматидаги «Электророз» корхонаси электр риги Алишер Назаров ва Бўстон шаҳридаги «Жиззахчўлқурилиш» трестига қарашли ОРС ишчиси Камол Исроиловлар фойдасига ҳал этилди.

Меҳнаткашлар ҳуқуқий маданиятини ошириш долзарб вазифа қилиб қўйилган ҳозирги кунда меҳнат муҳофазасига ҳам ушбу муҳим масаланинг узвий бир бўлаги сифатида қараш тўғри бўлади. Асосий ҳужжат ҳисобланмиш жамоа шартномаларида унинг алоҳида мавқега эгаллиги ҳам аслида шундан.

Абдурауф САНГИЛОВ,
меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассис

КИПРИГИНГИЗГА ГАРД ҚўНМАСИН

Ҳавфсизлик борасидаги асосий ишлар бу соҳани текширувчи ва назорат қилувчи вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоялаш бош бoshқармаси, «Узсаноттехника» Жиззах бўлимида ҳамда туман прокуратураси ходимлари билан биргаликда амалга оширилиши натижасида қатор муаммолар ўз ечимини топди.

Енгинини ўчиргандан қўра унинг олдини олган яхшироқ, деган гап юрди эл орасида. Дарҳақиқат, шундай. Агар даражам қаровсиз қолдирилмаса, машина тормози яхшилаб

